

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Үн.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

АЛТМИШЕВ ТЕМУРБЕК ХАМЗАЕВИЧ

**АҲЛОҚ ТУЗАТИШ ИШЛАРИ ЖАЗОСИНИНГ ИЖРОСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ПРОБАЦИЯ ФАОЛИЯТИ
ТАҲЛИЛИ АСОСИДА)**

**12.00.14 – Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси. Жамоат хавфсизлигини
таъминлаш. Пробация фаолияти**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

| | |
|--|----|
| Алтмишев Темурбек Хамзаевич Ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижросини такомиллаштириш (пробация фаолияти таҳлили асосида)..... | 3 |
| Алтмишев Темурбек Хамзаевич Совершенствование исполнения исправительных работ (на основе анализа деятельности probation)..... | 25 |
| Altmishev Temurbek Khamzaevich Improving the execution of corrective labor (based on probation analysis)..... | 47 |
| Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works..... | 51 |

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

АЛТМИШЕВ ТЕМУРБЕК ХАМЗАЕВИЧ

**АХЛОҚ ТУЗАТИШ ИШЛАРИ ЖАЗОСИНИНГ ИЖРОСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ПРОБАЦИЯ ФАОЛИЯТИ
ТАҲЛИЛИ АСОСИДА)**

**12.00.14 – Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси. Жамоат хавфсизлигини
таъминлаш. Пробация фаолияти**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Ү366. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta>) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Зиёдуллаев Музаффар Зиёдуллаевич
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Тахиров Фарход
юридик фанлар доктори, профессор
Абзалова Хуршида Мирзиятовна
юридик фанлар доктори, доцент


Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
қошидаги Юристар малакасини ошириш
маркази


Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Ү3.25.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 29 апрель куни соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: info@akad.mvd.uz).


Диссертация билан Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1188 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52).

Диссертация автореферати 2022 йил 11 апрель куни тарқатилди.
(2022 йил 11 апрелдаги 10-рақамли респ. баённомаси).




, А.С. Турсунов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, юридик фанлар доктори, профессор


Дж.Х. Юлдашев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори,
доцент


Р. Кабулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, юридик
фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни кенгрок қўллаш орқали озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган маҳкумлар сонини камайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, жазони ижро этиш муассасаларида бугунги кунда 11 млн.дан ортиқ маҳкумлар сақланади. Бу кўрсаткич ҳар йили 1 фоизга ошиб бормоқда¹. Бугунги кунда содир этилаётган рецидив жиноятчиликнинг юқори даражаси озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланганлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Озодликдан маҳрум қилиш муассасаларида маҳкумлар ҳуқуқларининг поймол этилиш имкониятининг кенглиги ҳамда ҳар бир маҳкумга сарфланган харажатлар иқтисодий жиҳатдан қимматга тушаётганлиги ушбу жазога муқобил жазоларни қўллаш ва ижро этиш самарадорлигини оширишга қаратилган янгича механизмларни ишлаб чиқиш долзарб эканлигини кўрсатмоқда.

Жаҳонда пенитенциар тизимни такомиллаштириш, маҳкумни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини ижро этишда халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка имплементациясини кучайтириш, маҳкумларни жазони ўташ вақтида ёки уни ўтаб чиққанидан сўнг қайта жиноят содир этишларини олдини олишнинг янги, янада самаралироқ механизмини ишлаб чиқиш, пенитенциар тизимда жиноий жазоларнинг функционал вазифалари ва мақсадларини кенгайтириш, шунингдек, жазоларни янада либераллаштириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамызда кейинги йилларда жиноят-ижроия тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва уни халқаро стандартларга мослаштиришга алоҳида аҳамият берилиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш механизмларини тубдан қайта кўриб чиқиш, умумэътироф этилган халқаро стандартларга мос равишда маҳкумлар ҳуқуқлари доирасини янада кенгайтириш жиноий жазоларнинг ижросини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланганлиги² ушбу соҳанинг янада ривожлантирилишини тақозо қилмоқда. Шунингдек, маҳкумлар томонидан ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан бўйин товлаш ҳолатлари 2018 йилда 6,1 фоизни, 2019 йилда 6,4 фоизни, 2020 йилда 6,7 фоизни ташкил этган бўлса, мазкур турдаги жазони ўтаб турган маҳкумлар томонидан бошқа жиноят содир этиш ҳолатлари 2018 йилга нисбатан 2019 йилда 58,8 фоизга камайишига эришилган, бироқ 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 26,4 фоизга ўсганлигини кузатиш мумкин. Бу эса пробация хизмати ходимлари томонидан маҳкумлар билан назорат-профилактик ишлар ташкил этиш механизмлари етарлича ишлаб чиқилмаганлигидан далолат бермоқда. Шу

¹ <https://cdn.penalreform.org/wp-content/uploads/2020/04/Global-Prison-Trends-2020-RUSSIAN.pdf>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 2018 йил 7 ноябрь ПҚ-4006-сон қарори [Электрон манба]. Кириш йўли: <https://lex.uz/ru/docs/4045443> (Мурожаат қилинган сана: 11.01.2021).

боис пробация хизматининг ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ижросини таъминлаш фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, соҳага замонавий илғор иш усул ва шаклларни жорий этиш ҳамда бу борада ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994), Жиноят-процессуал кодекси (1994), Жиноят-ижроия кодекси (1997), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014), «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони (2017), «Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018) қарори ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг «I. Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижроси муаммолари атрофлича ўрганилмаган, бироқ унинг айрим жиҳатлари мамлакатимиз олимлари Қ.Р. Абдурасулова, И. Исмаилов, Ж.С. Мухторов, М.А. Назаров, Р.Н. Раҳманов, М.Х. Рустамбаев, Қ.А. Саиткулов, А.А. Шамансуров, М. Усмоналиев, Д.М. Усмонов, М.Ш. Юлдашев, (жазо ижросини такомиллаштириш), Ф. Тахиров, Р. Жаббарбергенов, Б. Санаев¹ларнинг илмий ишларида қисман ёритиб ўтилган.

Ҳуқуқшунослар Р. Жаббарбергенов жазонинг профилактик функцияси ва уни амалга оширишнинг механизмидан, Н.С. Салаев ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ёш боласи бўлган аёлларга нисбатан қўлланилмаслигини тадқиқ этишган. А. Шарипов эса айнан «Ўзбекистон ССРда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ахлоқ тузатиш ишлари институтининг пайдо бўлиши ва ривожланиши» мавзусида илмий-тадқиқот иши олиб борган ягона олим ҳисобланди.

Хорижий давлатларда М.М. Исаев, А.П. Коваленко, Н.Ф. Кузнецова, А.М. Маликов, В. Познушев, Э.С. Раҳмаев, Е.В. Рогова, И.Ю. Савальева, Н.А. Смирнов, И.М. Тяжкова, С.М. Фролова, каби олимлар томонидан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ижроси самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий масалалари тадқиқ этилган.

Хусусан, С.М. Фролова ва Е.В. Роговалар ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг вояга етмаганларга нисбатан тайинланишининг ўзига хос

¹ Бу ва бошқа муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

жиҳатларини, Л.В. Лошкина ва И.Ю. Савельевалар ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ижросининг назарий ва амалий жиҳатларини, Э.С. Рахмаев ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг жиноий жазолар тизимидаги ўрнини, И.Г. Кыдыяков ахлоқ тузатиш ишлари жазосини қўллаш, О.П. Шибанкова ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижро этишнинг ижтимоий-ҳуқуқий муаммолари, А.П. Коваленко ахлоқ тузатиш ишларининг жиноий-ҳуқуқий ва жиноят-ижроия жиҳатларини, Р.С. Данелян ва А.М. Маликов ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг назарий ва амалий муаммоларини, В.Н. Орлов ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлаш ва ижро этишдаги муаммолар, Н.А. Смирнов ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлаш ва ижро этиш доирасини тадқиқ қилишган.

Мазкур муаллифлар жиноят-ижроия ҳуқуқи фанининг ривожига муайян даражада ҳисса қўшганлар. Бироқ мамлакатимизда пробацья фаолияти таҳлили асосида ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижросини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатларига оид алоҳида комплекс тадқиқот ўтказилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг 2018-2021 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасидаги «Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия ҳуқуқини такомиллаштириш масалалари» илмий-тадқиқот ишининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади пробацья фаолияти таҳлили асосида ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижросини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тушунчасининг моҳиятини ўрганиш ва унинг муаллифлик таърифини ишлаб чиқиш;

пробацья хизматининг ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижро этиш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини тадқиқ қилиш асосида мавжуд муаммоларни аниқлаш;

пробацья хизматининг ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган муддатини енгилроқ ёки оғирроқ жазога алмаштириш ёхуд жазодан муддатидан илгари озод қилиш фаолиятининг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш;

пробацья хизматининг ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижро этиш фаолиятидаги муаммоларни аниқлаш ҳамда уларнинг илмий ечимини асослантириш;

ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижро этиш фаолияти бўйича хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибасини ўрганиш ва уни миллий қонунчиликка татбиқ қилиш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижроси билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижроси

ҳамда уни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қоидалари ва уларни қўллаш амалиёти, чет давлатлар қонунчилиги ва тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар ва назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда мавзуга оид масалаларни ўрганишда анализ, синтез, дедукция, индукция, мантиқийлик, тарихий-ҳуқуқий таҳлил, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, анкета сўровлари, жинойт ишлари ва статистик маълумотлар таҳлили каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

амалдаги қонунчиликда ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан келиб тушадиган ушланмаларнинг муайян қисмини пробация хизматини ривожлантириш жамғармасига ўтказиш зарурати ҳамда афзалликлари асослантирилган;

ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан бўйин товлаган шахсларнинг республика ҳудудидан чиқишини чеклаш тартибини жорий этишга бўлган эҳтиёжнинг юқорилиги исботланган;

ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган шахсларни ҳулқ-атворининг тавсифидан келиб чиққан ҳолда унга тоифага – тузалиш йўлига ўтган, жинойт содир этишга мойил ва жинойт содир этиш хавфи юқориларга ажратиш таклифи асослантирилган;

пробация хизмати тузилмасида ахлоқ тузатиш ишлари ижросини ташкил этиш гуруҳи фаолиятини жорий этиш зарурати ва афзалликлари исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пробация фаолияти таҳлили асосида ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижросини такомиллаштиришга оид Ўзбекистон Республикасининг жинойт-ижроия қонунчилиги нормаларини такомиллаштириш юзасидан билдирилган таклиф ва тавсиялар ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ижросининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Диссертация натижаси бўйича ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг «Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижро этиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳасининг қабул қилиниши маҳкумларни ахлоқан тузатиш, уларнинг жинойт фаолиятининг олдини олиш, шунингдек, бошқа шахслар томонидан жинойт содир этилишига чек қўйишнинг самарали тизимини яратишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларини акс эттирувчи илмий хулосалар, таклиф ва тавсиялар, судлар томонидан 2019 – 2021 йилларда чиқарилган 200 та ажримлар, 200 нафар пробация хизмати ходимлари ҳамда 225 нафар ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаётган маҳкумлар (Тошкент шаҳри бўйича) ўртасида ўтказилган социологик сўровлар натижалари ва қонунни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш орқали асосланган. Натижалар ҳуқуқни қўллаш амалиётига доир статистик маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштиришга таянган ҳолда

ишлаб чиқилган бўлиб, тадқиқот ишида фойдаланилган материаллар тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган.

Тадқиқот натижалари қонунчилик нормалари, илғор хорижий тажрибалар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, жинойт-ижроия ҳуқуқ назариясида умумэтироф этилган қоидалар ва бошқа ишончли манбалар, етарли илмий далиллар асосида исботланган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан тегишли халқаро ҳуқуқий нормалар, миллий қонун ҳужжатлари ҳамда уларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, қонун нормаларини шарҳлашда, жинойт-ижроия ҳуқуқи фанини бойитишда, янги илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш, шунингдек, жинойт-ижроия қонун ҳужжатларини, пробация хизматининг фаолиятини ҳамда ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижросини такомиллаштиришга доир қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишга хизмат қилишидадир.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Пробация фаолияти таҳлили асосида ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижросини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан келиб тушадиган ушланмаларнинг муайян қисмини пробация хизматини ривожлантириш жамғармасига ўтказиш ҳақидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жинойт-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 7 ноябрь ПҚ-4006-сон қарорининг 6-бандида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 21 февралдаги 26/564-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг инобатга олиниши пробация хизматининг ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижро этиш фаолиятининг такомиллаштирилишига хизмат қилган;

ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан бўйин товлаган шахсларнинг республика ҳудудидан чиқишини чеклаш тартибини жорий этиш ҳақидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ички ишлар органлари пробация хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2020 йил 14 февраль 84-сон қарорининг 7-бандида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 21 февралдаги 26/564-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг инобатга олиниши ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан бўйин товлаган шахслар томонидан қайта жинойтлар содир этилишининг олдини олишга самарали хизмат қилади;

ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган шахслар хулқ-атворининг тавсифидан келиб чиққан ҳолда учта тоифага – тузалиш йўлига ўтган, жинойт

содир этишга мойил ва жиноят содир этиш хавфи юқориларга ажратиш ҳақидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг «Пробация хизмати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 7 декабрь 316-сон буйруғининг 1-иловасига («Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси ҳузуридаги пробация хизмати тўғрисида»ги низомнинг 17-бандига) жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 21 февралдаги 26/564-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг инobatга олиниши пробация хизматининг ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижро этиш фаолиятининг такомиллаштирилишига хизмат қилган;

пробация хизмати тузилмасида ахлоқ тузатиш ишлари ижросини ташкил этиш гуруҳини тузиш ҳақидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг «Пробация хизмати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 7 декабрь 316-сон буйруғининг 2-иловасида (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси ҳузуридаги Пробация хизматининг ташкилий тузилмасида) инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2021 йил 21 февралдаги 26/564-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг инobatга олиниши пробация хизматининг ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижро этиш фаолиятининг такомиллаштирилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 3 та халқаро, 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 9 та илмий иш, шу жумладан 4 та илмий мақола (1 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 142 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тушунчаси ва уни ижро этишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари таҳлили**» деб номланган бўлиб, ушбу бобда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тушунчасининг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари ҳамда пробация хизматининг ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижро этиш фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган.

Диссертация тадқиқоти доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси белгиланган қоидаларни таҳлил қилиш орқали унинг моҳиятини чуқурроқ очиб беришга қаратилган: а) жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахс меҳнатга мажбуран жалб қилинади; б) суд ҳукмида белгиланган жазони ўташ муддати тугаганига қадар маҳкум иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача бўлган миқдори давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинади; в) жазо суднинг ҳукмига мувофиқ маҳкумнинг судланганига қадар ишлаб келган ўз иш жойида ўталиши мумкин; г) жазо суднинг ҳукмига мувофиқ жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталиши мумкинлиги тўғрисидаги илмий хулосалар илгари сурилган.

Диссертант тадқиқот доирасида юридик адабиётларда ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг тушунчаси бўйича турлича фикрлар ва баҳс-мунозаралар мавжудлигини аниқлаган, шунингдек олимларнинг бу борадаги қарашлари юзасидан ягона тўхтама келинмаганлигига асосланиб назария ва қонунчиликдаги ахлоқ тузатиш ишларига оид тушунчалар тўлиқ ва мукаммал эмас деган хулоса келган. Мазкур хулосани ишлаб чиқишда тадқиқотчи ахлоқ тузатиш ишлари тушунчасига оид: а) алоҳида-алоҳида мазмун ва аҳамиятга эга бўлган, нафақат ҳуқуқ назарияси ва амалиётида, балки кўпгина фан соҳаларида кенг қўлланилиб келинаётганлиги боис турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган «ахлоқ», «тузатиш» ва «иш» каби атамаларнинг мазмунини таҳлил қилишга; б) мамлакатимиз ва хорижий давлатлар ҳуқуқшунос олимларининг мазкур масала юзасидан фикр-мулоҳазалари ҳамда қарашларига; в) Ўзбекистон ва МДХ давлатларининг ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тартибга солувчи қонунларидаги ушбу жазога оид нормаларнинг илмий-қийёсий таҳлиliga таянган.

Диссертант тадқиқот ишида жазонинг номи «ахлоқ тузатиш ишлари» деб номланиши бироз мулоҳазали эканлигини, жазо тизимидаги барча жазолар ва

жиноят қонунчилиги бўйича қўлланиладиган мажбурлов чоралари маҳкум ҳамда жиноят содир этган шахсларнинг қатъий тузалиш йўлига ўтишига, яъни ахлоқан тузалишига қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олишини, шу боис муайян жазо турига нисбатан, унинг ўзига хос мақсадлари тўғрисида фикр юритиш мумкинлиги ҳақидаги қарашларни илгари сурган.

Тадқиқотчи қонунчиликда белгиланган соҳага доир айрим асосий тушунчаларни талқин қилиш билан боғлиқ муаммолар ахлоқ тузатиш ишларига оид тушунчаларни назарий ва амалий жиҳатдан илмий тадқиқ қилиш ҳамда жазонинг мазмун ва моҳиятини инобатга олиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг амалдаги номидан воз кечиш ҳамда бу жазонинг мазмун-моҳиятини суд томонидан белгиланадиган чекловлардан келиб чиққан ҳолда қайта номлаш зарурат эканлигини, «ахлоқ тузатиш ишлари» мазмун-моҳиятининг ўзагида инсонни меҳнат бўйича чеклашдан иборат чора-тадбирлар, яъни ахлоқ тузатиш ишларида фақатгина шахснинг меҳнат бўйича чекланиши, бироқ шахс бу каби ҳуқуқдан батамом маҳрум этилмаслигини илмий асослаган.

Тадқиқотчи томонидан илгари сурилган «ахлоқ тузатиш ишлари» жазосининг номини «меҳнат бўйича чеклаш»га ўзгартириш масаласини пробация бўлинмалари ходимларининг фикрини ўрганиш бўйича ўтказилган анкета сўровномасидаги «Сизнингча, ахлоқ тузатиш ишлари жазосида шахснинг қандай ҳуқуқлари чекланади» деган саволга респондентларнинг 78 фоизи «меҳнат ҳуқуқлари чекланади» дея берган жавобларини инобатга олинганлиги билан асослантирган.

Диссертант Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4850-сон Фармонида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллашни кенгайтириш орқали қамок тариқасидаги жиноий жазонинг тугатилиши назарда тутилганлигини, шунингдек, тадқиқотларда жиноий жазо тизимидан ахлоқ тузатиш ишларини чиқариш эмас, балки уларни қўллаш амалиётини кенгайтиришга доир қарашларини инобатга олган ҳолда ушбу жазо турини қўллаш доирасини кенгайтиришга оид таклифларни илгари сурган.

Диссертация тадқиқоти доирасида республикамизда сўнгги йилларда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида жазони ижро этиш инспекциялари фаолияти тубдан ўзгартирилиб, унинг ўрнига пробация хизмати фаолияти йўлга қўйилганлиги ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазоларни ижро этиш, маҳкумларнинг хулқ-атвори устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш бўйича мутлақо янги тизим яратилганлиги илмий-амалий мисоллар билан асослантирилган.

Тадқиқотчи томонидан пробация хизматининг ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижро этиш фаолиятига оид қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ушбу фаолиятни ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш соҳасидаги муаммолар таҳлил қилинган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-ижроия ва Жиноят-процессуал кодексларининг нормаларида

пробация хизмати фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий таъминлашдаги муаммоларни бартараф этиш бўйича илмий хулоса ва тавсиялар асослантирилган. Хусусан:

«ахлоқ тузатиш ишлари» жазосининг номини «меҳнат бўйича чеклаш» номига ўзгартирилиши мақсадга мувофиқ эканлиги асослантирилган ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-ижроия ва Жиноят-процессуал кодексларининг нормаларида қўлланилган барча «ахлоқ тузатиш ишлари» жумлаларини «меҳнат бўйича чеклаш» жумлалари билан алмаштириш таклиф этилган;

«меҳнат бўйича чеклаш» жазосининг қуйидагича муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: «*меҳнат бўйича чеклаш* – суд ҳукмида кўрсатилган муддат давомида ходимнинг лавозими оширилишини чеклаган ҳолда иш ҳақидан базавий ҳисоблаш миқдоридаги суммани давлат ҳисобига ушлаб қолишдан иборат бўлиб, маҳкум жазони ўз иш жойида ўтайди»;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 20-бандига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларини олдинги иш жойида жазони ўташ учун қолдириш мумкин эмаслигига оид қоидаларни киритиш мақсадга мувофиқ эканлиги илмий асосланган;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 31-моддасини қуйидаги таҳрирдаги янги қисм билан тўлдириш таклиф этилган:

«Хукмда назарда тутилган чегирма ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта тартибида олинаётган нафақа ва бошқа тўловлар, иш ҳақиға кирмайдиган қўшимча тўловлардан ҳамда бир марта тўланадиган пул мукофотларидан (фойдаланилмаган таътиллار учун пуллик компенсация тўловлари), иш вақтидан ташқари ишлаганлик учун, байрам (ишланмайдиган) кунлари арафасидаги ишлаган кунлар учун компенсация ва ҳақ тўлаш турларидан, ишдан бўшаганда қонунга мувофиқ бериладиган тўловлардан, янгидан ишга тушганда, бошқа ишга ўтганда, хизмат сафарига юборилганда бериладиган тўловлардан, ишчининг шахсий асбоб-ускуналаридан фойдаланганлиги учун ҳамда берилмаган махсус кийим ва пойабзаллар учун тўланадиган тўловлардан ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа бадал тўловларидан ушлаб қолинмайди»;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 7-боби (ахлоқ тузатиш ишлари тарикасидаги жазони ижро этиш) 26-30-моддаларидаги «жазоларни ижро этиш инспекцияси» жумласи «пробация бўлинмалари» деган жумлалар билан алмаштирилиши мақсадга мувофиқ эканлиги асослаб берилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Пробация хизматининг ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган муддатини енгилроқ ёки оғирроқ жазога алмаштириш ёхуд жазодан муддатидан илгари озод қилиш фаолиятининг таҳлили»** деб номланиб, унда пробация хизматининг ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган муддатини енгилроқ жазога алмаштириш ёки жазодан муддатидан илгари озод қилиш фаолияти тадқиқ қилинган. Шунингдек, пробация хизматининг ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган муддатини оғирроқ жазога алмаштириш фаолияти таҳлил қилинган.

Тадқиқотда диссертант томонидан пробация хизматининг ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган муддатини енгилроқ ёки оғирроқ жазога алмаштириш ёхуд жазодан муддатидан илгари озод қилиш фаолиятини

такомиллаштириш бўйича Жиноят кодекси 74-моддасининг учинчи қисми «в» банди ва 74-моддасининг тўртинчи қисмидаги қоидалар ушбу Кодекснинг 46-моддаси (ахлоқ тузатиш ишлари)нинг иккинчи қисмида белгиланган қоидага мувофиқлаштирилиши лозимлиги илмий асослантирилган. Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 74-моддаси тўртинчи қисми *«Озодликдан маҳрум қилиши ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда ахлоқ тузатиш ишларининг мазкур Кодексда белгиланган энг кўп миқдорига тайинланади»* таҳририда баён этилиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида илмий хулоса ишлаб чиқилган.

Тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 74-моддаси олтинчи қисмини чиқариб ташлаш тўғрисидаги таклифни ишлаб чиқишда: а) жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини амалда таъминланишига; б) инсонпарварлик принципи доирасини жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига зарар етказмаган ва дахл қилмаган ҳолда белгиланишига; в) маҳкумлар ҳамда бошқа шахслар томонидан қайта жиноятлар содир этилишининг олди олинишига; г) жазонинг профилактик функциясининг натижадорлиги ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилиши инобатга олинган.

Тадқиқотчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексидаги ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан бўйин товлаётган маҳкумга нисбатан тегишли чораларни кўриш имкониятини чекловчи бўшлиқни бартараф этиш, биринчидан, Россия Федерацияси, Арманистон, Беларусь, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон Республикаларининг жиноят-ижроия қонунчилигидаги ижобий тажрибаларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига татбиқ этишни, иккинчидан, ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги жазони ўташ тартиби ва шартларининг бузилишига нималар киришини, шунингдек, маҳкум қачондан бошлаб ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги жазони ўташдан бўйин товлаётган деб ҳисобланишини жиноят-ижроия қонунчилигида аниқ белгилашга лозимлиги бўйича таклифларни илгари суради.

Диссертант томонидан хорижий мамлакатларнинг жиноят-ижроия қонунчилигида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижро этиш ва ўташ шартлари, улардаги алоҳида нормалар кесимида жиноят-ижроия қонунчилигида белгиланганлиги бўйича хорижий мамлакатларнинг тажрибалари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган ҳамда изланиш натижаларига асосланган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижросини таъминлаш юзасидан хорижий давлатларнинг амалиётини мамлакатимиз пробация хизмати фаолиятига жорий этиш зарурлиги илмий мисоллар билан асослантирилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексида белгиланган талаблардан фарқли равишда Арманистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 46-моддаси (Ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги жазони ўташ тартиби ва шартларини бузганлик учун жавобгарлик)да маҳкумнинг жазони ижро этиш инспекциясида рўйхатдан ўтганидан кейин ўн кун ичида узрли сабабларсиз ишга келмаслиги ёки шу муддат ичида иш билан таъминлайдиган давлат хизматида рўйхатдан ўтмаслиги, шунингдек, маҳкумнинг жиноят-ижроия қонунчилигида белгиланган мажбуриятларини бажармаслиги жазони ўташ тартиби ва шартларининг бузилиши сифатида белгиланган.

Тадқиқотчи жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига, тадқиқотлар натижаларига таянган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 46-моддасини «*Шахс меҳнат бўйича чеклаш жазосини ўташдан бўйин товласа, суд меҳнат бўйича чеклаш жазосининг ўталмаган муддатининг ҳар уч кунини озодликни чеклаш жазосининг бир кунига ҳисоблаб, озодликни чеклаш жазоси билан алмаштиради. Жазони ўташдан бўйин товлаган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди*» деган мазмундаги таҳрирда баён этиш таклифини илгари сурган.

Диссертант тадқиқот ишида ахлоқ тузатиш ишларини тартибга солишда мавжуд ҳуқуқий бўшлиқ, ноаниқлик ва зиддиятларни таҳлил қилиб, уларнинг натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 32-моддасини такомиллаштиришга қаратилган таклиф-тавсиялар берган.

Диссертант тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган хулосаларга таянган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 32-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш тўғрисидаги таклифни илгари сурган:

«32-модда. Меҳнат бўйича чеклаш жазосини ўташдан бўйин товлаш оқибати

Қуйидаги ҳолатларда маҳкум меҳнат бўйича чеклаш жазосини ўташдан бўйин товлаган деб ҳисобланади:

1) жазони ўташ муддати давомида меҳнат шартномасини маҳкумнинг ташаббуси билан бекор қилиниши;

2) жазони ўташ муддати давомида маҳкум томонидан содир этилган қоидабузарлик унинг ишдан бўшатилишига сабаб бўлиши;

3) маҳкум зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлиги учун унга пробацья хизмати томонидан икки марта огоҳлантириш тарзидаги интизомий жазо чорасининг қўлланиши.

Маҳкумнинг меҳнат бўйича чеклаш жазосини ўташдан бўйин товлаганлиги аниқланган ҳолатда пробацья хизмати бир иш кунини ичида меҳнат бўйича чеклаш жазосининг ўталмаган муддатини озодликни чеклаш жазосига алмаштириш тўғрисида судга тақдимнома киритади.

Суд меҳнат бўйича чеклаш жазосининг ўталмаган муддатининг уч кунини озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштирган ҳолда ҳисоблаб, жазони алмаштиради. Бўйин товланилган вақт ўталган жазо муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

Меҳнат бўйича чеклаш жазосининг ўталмаган муддатини озодликни чеклаш жазосига алмаштиришида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига белгиланган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, озодликни чеклаш жазоси тайинланмайдиган шахслар тоифаси ва ушбу жазонинг муддатига доир нормалар маҳкумга нисбатан қўлланилмайди».

Диссертациянинг учинчи боби «**Пробацья хизматининг ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижро этиш фаолиятини такомиллаштириш**»га бағишланган. Мазкур бобда пробацья хизматининг ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижро этиш фаолиятидаги муаммолар тадқиқ қилинган ҳамда бу борадаги хорижий мамлакатларнинг (Англия, АҚШ, Дания, Швеция, Финландия, Россия Федерацияси, Арманистон, Беларусь, Туркменистон,

Украина, Қирғизистон, Қозоғистон, Молдова, Тожикистон, Эстония, Озарбайжон, Грузия, Латвия ва бошқа республикаларнинг) ижобий тажрибалари таҳлил қилинган, уларни пробаця хизмати фаолиятига татбиқ қилиш зарурлиги илмий асосланган.

Тадқиқот натижасида диссертант томонидан пробаця хизматининг ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижро этиш фаолиятидаги муаммолар қуйидагича таснифланган:

ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг номланишидаги номувофиқлик;

ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазонинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида назарда тутилган тартибда енгилроқ ёки оғирроқ жазога алмаштиришдаги муддатлар билан боғлиқ номувофиқликлар;

ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазонинг иш жойига эга бўлмаган шахсларга тайинланиши билан боғлиқ муаммолар;

ахлоқ тузатиш ишларидан бўйин товлашнинг аниқ механизмларининг қонунчиликда акс этмаганлиги;

жазони ўташ муддатида қўшиб ҳисобланмайдиган муддатларда бўшлиқларнинг мавжудлиги;

маҳкумга нисбатан битта ҳукм юзасидан тайинланган жазонинг енгилроқ жазо сифатида ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилиши ва алмаштирилган енгилроқ жазонинг ўталмаган қисмидан ҳам муддатидан олдин озод қилиниши, яъни инсонпарварлик далолатномаларининг икки марта қўлланилиши мумкинлиги;

ахлоқ тузатиш ишлари жазоси унга нисбатан жазо тизимида енгилроқ ўринга жойлаштирилган жазолар билан алмаштирилиши механизмининг жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилигида аниқ белгиланмаганлиги;

ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо ижросини такомиллаштириш бўйича комплекс илмий-тадқиқот ишларининг ўтказилмаганлиги ва жазонинг ижросига доир чоп этилган ўқув (услубий, амалий) қўлланмаларнинг етишмаслиги.

Тадқиқотчи диссертация ишида пробаця хизматининг ахлоқ тузатиш жазоси ижросини тартибга солишда мавжуд ҳуқуқий бўшлиқ, ноаниқлик ва зиддиятларни таҳлил қилиб, уларнинг натижалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси ҳамда тегишли қонунчилик нормаларини такомиллаштиришга қаратилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиққан.

Тадқиқотчи хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида айрим давлатларда ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижросини таъминлашнинг назарий муаммолари билан бирга ушбу йўналишнинг амалий жиҳатлари ҳамда уларни такомиллаштириш борасидаги илмий-тадқиқотлар нисбатан ривожланган, деган хулосага келган. Қайд этилишича, хорижий мамлакатлар жиноят-ижроия қонунчилигида (Англия, АҚШ, Дания, Швеция, Финландия, Россия Федерацияси, Арманистон, Беларусь, Туркменистон, Украина, Қирғизистон, Қозоғистон, Молдова, Тожикистон, Эстония, Озарбайжон, Грузия ва Латвия Республикалари) жазони ижро этиш тартиби ва шартлари турлича тартибга солинганлигини кузатиш мумкин.

Диссертант томонидан Ўзбекистон Республикасининг жиноят-ижроия қонунчилигида тартибга солинганлиги ёки солинмаганлиги бўйича, хусусан: а) хорижий давлатларнинг жиноят-ижроия қонунчилигида ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг муддатини ҳисоблашнинг тартибга солиниши; б) хорижий давлатларнинг жиноят-ижроия қонунчилигида ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинган маҳкумнинг иш ҳақидан чегириб қолиш тартиби; в) хорижий давлатларнинг жиноят-ижроия қонунчилигида ахлоқ тузатиш ишларини ўташдан бўйин товлашнинг оқибатлари тартибга солиниши; г) хорижий давлатларнинг жиноят-ижроия қонунчилигида ахлоқ тузатиш ишлари учун қўлланиладиган рағбатлантириш чоралари ва рағбатлантирувчи нормаларнинг тартибга солиниши қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган.

Тадқиқотчи томонидан ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижро этиш фаолияти бўйича хорижий мамлакатлар жиноят-ижроия қонунчилигини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижаларига асосланган ҳолда 12 турдаги энг ижобий тажрибаларни Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия қонунчилигига татбиқ қилиш тўғрисидаги хулосага келган. Хусусан: айрим хорижий мамлакатларнинг жиноят-ижроия қонунчилигида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижро этиш тартибида ҳам айрим ўзига хос ижобий тажрибалар мавжуд бўлиб, улар сифатида ўн саккиз ёшга тўлмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинган маҳкумларнинг хатти-ҳаракатлари устидан назорат жазони ижро этиш инспекцияси (пробация бўлинмалари) билан биргаликда вояга етмаганлар ишлари бўйича инспекциялар ходимлари томонидан ҳам параллел тарзда амалга оширилиши белгиланган (Беларусь Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 37-м.).

Тадқиқотлардан келиб чиққан хулосаларга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 26-моддаси, 29-моддасининг биринчи қисмини янги таҳрирда қабул қилиш ҳамда 31¹-моддани «Маҳкумларга нисбатан қўлланиладиган рағбатлантириш чоралари» деган матн билан тўлдириш бўйича таклиф ва тавсиялар асослантирилган.

ХУЛОСА

Пробация фаолияти таҳлили асосида ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижросини такомиллаштиришга бағишланган мазкур тадқиқот ишининг натижалари сифатида куйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

I. Жиноят-ижроия ҳуқуқи фани назариясини ривожлантиришга оид тавсиялар:

1. Ахлоқ тузатиш ишлари жазосига берилган қоидаларни таҳлил қилиш орқали унинг моҳиятини чуқурроқ очиб беришга қаратилган куйидаги хулосалар чиқарилди, яъни ахлоқ тузатиш ишларида:

1) жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахс меҳнатга мажбуран жалб қилинади;

2) суд ҳукмида белгиланган жазони ўташ муддати тугаганига қадар маҳкум иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача бўлган миқдори давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинади;

3) жазо суднинг ҳукмига мувофиқ маҳкумнинг судланганига қадар ишлаб келган ўз иш жойида ўталиши мумкин;

4) жазо суднинг ҳукмига мувофиқ жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталиши мумкин;

5) маҳкум унга нисбатан тайинланган жарима жазосини тўлашдан бўйин товласа суд жариманинг тўланмаган миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо билан алмаштириши мумкин;

б) озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг ўталмаган қисми енгилроқ жазо сифатида ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилиши мумкин.

2. Ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган ҳуқуқий асосларининг таҳлили, ушбу жазога ҳукм қилинган шахснинг куйидаги 3 та ҳуқуқлари чекланилиши кўрсатиб берилди:

1) маҳкумнинг эгаллаб турган лавозимини оширишга йўл қўйилмаслиги (*меҳнат қонунчилиги бўйича ўзини ижобий томондан кўрсатган ва юқори кўрсаткичларни намоён қилган ходимнинг лавозими оширилиши мумкин*);

2) маҳкумнинг белгиланган иш ҳақидан ўн фоизидан ўттиз фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиниши;

3) маҳкумнинг ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўташи давомида ишлаган муддатининг нафақага чиқишда инобатга олинмаслиги.

3. «Меҳнат бўйича чеклаш» жазосининг куйидагича муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: *«меҳнат бўйича чеклаш – суд ҳукмида кўрсатилган муддат давомида ходимнинг лавозими оширилишини чеклаган ҳолда иш ҳақидан базавий ҳисоблаш миқдоридagi суммани давлат ҳисобига ушлаб қолишдан иборат бўлиб, маҳкум жазони ўз иш жойида ўтайди».*

4. Пробация хизматининг ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижро этиш фаолиятидаги муаммолар аниқланиб, улар куйидагича таснифланди:

1) ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг номланишидаги номувофиқлик;

2) ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазонинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида назарда тутилган тартибда енгилроқ ёки оғирроқ жазога алмаштиришдаги муддатлар билан боғлиқ номувофиқликлар;

3) ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазонинг иш жойига эга бўлмаган шахсларга тайинланиши билан боғлиқ муаммолар;

4) ахлоқ тузатиш ишларидан бўйин товлашнинг аниқ механизмларининг қонунчиликда акс эмаганлиги;

5) жазони ўташ муддатига қўшиб ҳисобланмайдиган муддатларда бўшлиқларнинг мавжудлиги;

б) маҳкумга нисбатан битта ҳукм юзасидан тайинланган жазонинг енгилроқ жазо сифатида ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилиши ва алмаштирилган енгилроқ жазонинг ўталмаган қисмидан ҳам муддатидан олдин озод қилиниши, яъни инсонпарварлик далолатномаларининг икки марта қўлланилиши мумкинлиги;

7) ахлоқ тузатиш ишлари жазоси унга нисбатан жазо тизимида енгилроқ ўринга жойлаштирилган жазолар билан алмаштирилиши механизмининг жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилигида аниқ белгиланмаганлиги;

8) ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо ижросини такомиллаштириш бўйича комплекс илмий-тадқиқот ишларининг ўтказилмаганлиги ва жазонинг ижросига бағишлаб чоп этилган ўқув (услубий, амалий) қўлланмаларнинг етишмаслиги.

II. Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо ижросига оид қонунчилик нормаларини такомиллаштириш учун қуйидагилар таклиф этилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 7-бобини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

«7-БОБ. МЕҲНАТ БЎЙИЧА ЧЕКЛАШ ЖАЗОСИНИ ЎТАШ, ИЖРО ЭТИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

